

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 11 декабрь, №249 (3261)

Пайшанба



Бугун Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн учинчи сессияси ўз ишини бошлайди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди. Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентнинг ўн учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Б. Бугровнинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Парламент кўмиталари ва комиссияларининг раислари Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар. Кенгаш молия вазирини М. Нурмуродов ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Р. Каримовнинг Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисидаги ахбороти-

ни тинглади. Йиғилиш иштирокчилари мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг кейинги йилга мўлжалланган лойиҳасини маъқулладилар ҳамда уни парламентнинг ўн учинчи сессияси муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилдилар. Кенгаш аъзолари Олий Мажлисининг бўлғуси сессияси муҳокамасига киритилаётган қўшимча масалаларни муҳокама этдилар ҳамда уларни ўн учинчи сессия иши кун тартибига киритишни депутатларга тавсия этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек, Олий Мажлис ўн учинчи сессияси Котибиятининг сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларни раҳбарлари билан келишилган ҳолда тақлиф этилаётган таркибини ҳам кўриб чиқдилар. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.



Олий Мажлис депутати Ҳабибулло Мирзааҳмедов дастлаб «Лоллазор» кўп тармоқли хусусий фирмасини ташкил этди. Аммо давр шитоби, қолаверса, тадбиркорлик кенг қулоқ ёзганлиги боис ўз фаолият қўлами унинг ўзини қаноатлантирмади. Тиниб-тинчимас депутат ташаббуси билан Уйчида «Бунёд» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил топди. Бу корхонада асосан-момик сочиқ маҳсулотлари, диванлар учун тўшаклар, маиший хизмат сочиқлари тайёрланади. Ва айни чоғда 25 тонна калава ип ҳам қайта ишланади. Тайёр маҳсулотларнинг 40 фо-

изи Россия Федерациясига экспорт қилинади. Ҳабибулло ака элим деб, юртим деб ёниб яшайдиганлар тоғфасидан. Шунинг учун топилган фойданинг бир қисмини савоб ишларга сарфлайди. У ҳозиргача 100 ўринли болалар боғчаси қуриб берди. Кам даромадли оилаларга, боқувчисини йўқотганларга ҳамда ногирон фуқароларга мунтазам оталиқ ёрдами курсати келади. Шифохоналарга, мактабларга ва спорт-лицейга хомийлик ҳам қилмоқда. СУРАТДА: Ҳабибулло Мирзааҳмедов. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Кўмита ва комиссияларда

2003 йил 10 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Кўмита раиси Н.Исмоилов бошқарган ушбу йиғилишда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси муҳокамасига кўйилган масалалар кўриб чиқилиб маъқулланди. Кўмита аъзолари Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилдилар. Сессия кун тартибига киритилган бошқа қонун лойиҳалари юзасидан фикр ва мулоҳазалар эшитилди. Айниқса, «Фуқаролар йиғини раиси (оксокол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови

тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси, кўмита томонидан сессия муҳокамасига тақдим этилаётган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳаси кенг муҳокама қилинди. Йиғилишда юқоридагилардан ташқари кўмитанинг 2002 йил 25 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш борасида»-ги фаолияти тўғрисидаги қарорнинг прокуратура органлари томонидан қандай ижро этилаётгани ҳам муҳокама этилди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборга олиниб, йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлисининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмиталари, Норматив-ҳуқуқий атамалар ҳамда Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияларининг кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар тўпламини ўзбек тилида чоп этиш масаласи муҳокама қилинди. Олий Мажлис кўмита ва комиссия аъзолари, мутахассис ва олимларнинг савий-харакатлари билан илк бора ўзбек тилида тайёрланган мазкур тўплам ҳуқуқни муҳофаза этувчи ҳодимларнинг кун-

(Давоми 2-бетда).

Депутатлар блоклариди

Кеча ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоқи йиғилиши бўлиб ўтди. Блок раҳбари Қ.Обидов бошқарган мазкур йиғилишда дастлаб молия вазирини М.Нурмуродов Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Шунингдек, депутатлар «Валютани тартибга солиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунини (янги таҳрири) лойиҳасини муҳокама қилдилар. Йиғилишда сессия муҳокамасига кўйиллаётган бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Кеча Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлисдаги депутатлар блоқи йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Блок раҳбари Акмал Саидов бошқарган мазкур йиғилишда депутатлар парламентнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган, хусусан, «Фуқаролар йиғини раиси (оксокол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»-ги, «Қизил Ярим ой ва Қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар. Сўнг сессия муҳокамасидан жой олган масалалар депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди. Шунингдек, блокнинг жорий йилги иш фаолияти муҳокама қилинди ва 2004 йилги иш режаси белгилаб олинди.

Партия фракциясида

Кеча «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракциясининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари дастлаб Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Сўнг фракция раҳбари Турғунпўлат Даминов Олий Мажлисининг XIII сессияси кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари муҳокамаси бўйича ахборот берди. У ўз сўзида фракция томонидан тақдим этилган тақлифларнинг аксарияти инobatга олинганлигини маълум қилди. Фракция аъзолари Олий Мажлисининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилган масалаларни маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони подшоҳлигидаги Факулда ва Мухтор элчиси У. Исроилов ўриндошлик асосида мамлакатимизнинг Кувайт Давлатидаги элчиси этиб тайинланганлиги муносабати билан Кувайт Дав-

Ишонч ЁРАКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

лати амира Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ал-Сабоҳга ишонч ёрликларини топширди. Ишонч ёрликларини топшириш маросимидан сўнг бўлиб ўтган мулоқот чоғида икки томонлама муносабатлар истиқболлари муҳокама этилди. Кувайт Давлати раҳбари икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг кенгайтиришга ҳар томонлама кўмак беришини таъкидлади.

«Жаҳон» АА.

Маҳаллий маҳсулотлар ярмаркаси

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Назолат Усмонова). «Ўзқўрғазмасавдо»да мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ноёқ оғақтоварлар улгуржи ярмаркаси очилди.

Ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан таъминлаш — миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини янада оширишнинг асосий шартларидандир. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрда қабул қилинган «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»-ги қарори муҳим аҳамият касб этади.

Ярмаркада 140 дан ортиқ корхонанинг 4 мингдан зиёд — умумий қиймати 365 миллиард сўмлик маҳсулоти намойиш этилмоқда. Ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотлари томонидан 2004 йилда аҳолига етказиб бериладиган мебель, маданий-маиший, хўжалик ва бошқа истеъмол товарларига шу ернинг ўзида шартномалар имзоланади. Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов иштирок этди.

Обуна — 2004

Газета ҳам нондек азиз

— дейди «Жомбойдон» ҳиссасдорлик жамияти раиси Олим Баҳодиров

— Синчковликми, эътиборми, билмадим, газеталарда берилган ҳар бир мақолани бошдан охири ўқиб чиқмасам кўнглим жойига тушмайди. Бирор-бир газетани камситишни истамайман. Чунки ҳар бир матбуот нашрининг воқеаларга ўзига хос ёндашуви бор. Аммо мени учун «Халқ сўзи»нинг ўрни бошқа. Сабаби, бу нашрда ўзимни қизиқтирган ҳамма саволларга жавоб топаман. Шу бондан бўлса керак, бошқаларга ҳам

Муносабат

Меҳри борнинг сеҳри бор

Конституция айёми тантаналари давом этаётган шу кунларда назаримда ҳар бир ватандошимизнинг дил изхори тилига кўчгандек. Ҳар ким ўз кўнглидагини ўзича ифодалайди-да.

— Юртбошимизнинг байрам тантаналаридаги пурмаёно сўзларини ўқиб, янги йилимизнинг Меҳр ва муруват йили деб аталишини эшитиб жуда тўлқинланиб кетдим, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театрининг артисти Пўлат Носиров. — Ҳаёлимдан қайта-қайта бир фикр ўтди — меҳри борнинг сеҳри бор, деб шунга айтишса керак-да. Меҳр-оқибат, меҳр-муруват ҳақида гапиряптилару, Президентимизнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, гап-сўзлари, фикр-мулоҳазалари, панд-насиҳатлари, кўрсатмалари, топшириқлари замирида, назаримда, ҳар бир ватандошимизга кўрсатилаётган, дил тубидан сезилиб чиқаётган меҳр тошқини сезилиб турибди. Бундай тошқинлар дарёдан кучли бўлади, биласизми...

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Пўлат Носиров нозик дидли ижодкор. Ҳар бир гапини териб-териб, жойида, билиб-билиб ишлатади. Очиги, у кишининг дил изхори мени ҳам ўйлантириб қўйди.

Болалигимдан бунён қўлоқларим остида ширин ва майин бир куй янграйди. Бу — меҳр куйи. Менга ҳаммиша шундай бир куч-қудрат қувват бериб келади. Бу — меҳр қуввати. Ота-онамнинг ўзгалар дардига эш бўлиш, улларга меҳр кўрсатиш, меҳр улаиш дунёдаги ҳар қандай савоб ишнинг индаллоси экани ҳақидаги ўғитлари менга бир умрлик берилган бойликдек туюлади. Бу — меҳр кўрғазми сабоғи. Шу боис дилимда ҳаммиша бир ўй юради:

Меҳр — муҳаббатнинг онаси. Меҳр — муруватнинг эгачиси. Меҳр — оқибатнинг йўлдоши.

Шаҳримизнинг қоқ маркази — Халқлар дўстлиги майдонида Инсон меҳрига қўйилган ҳайкал мана бир неча ўн йиллардан бунён қад ростлаб турибди. Шўро даврининг ҳар қандай синовлари ҳам бу мажмуага зиён етказма олмади. Негаки, ҳали бирон бир юрт, элатда Инсон меҳрига ҳайкал бунёд этилмаган. Тошкентлик темирчи Шоаҳмад ота Шоаҳмудов ва унинг аёли Баҳри ая Ақромовларнинг турли миллат фарзандларига кўрсатган меҳр-оқибатининг рамзий ифодаси у. Инсон меҳрининг тафти боқийлигидан нишона у.

Айтинг, очик айтинг, азиз юртдош, қай бир давлат, қай бир юртда бутун бир йил «жамиятда аҳиллик, меҳр-оқибатлик, миллатлараро дўстлик муҳитини мустақамлаш»га алоҳида ургу берилиб, Меҳр-муруват йили деб номланган. Қай бир элат тарихи зарваракларида шундай номли йил зикр этилган. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «бундай қараш ва бундай сиёсат биз қураётган янги давлат, янги жамиятнинг қиёфаси ва маъно-мазмунига ҳар томонлама тўғри келади».

Меҳрли, муруватли, оқибатли бўлиш асли авлод-аждодларимиздан қолган, қон-қонимизга сингиб кетган азалий мерос. Зеро, меҳр она алласи ила қалбимизга жо бўлади. У оилада униб-ўсади, улғаяди. Маҳаллада сайжал топади. Меҳр-муруватли, оқибатли халқи бор юрт эса ҳеч қачон завоқ топмайди.

Унда ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбек кураши бўйича

Пан Америка чемпионати

6-7 декабрь кунлари Бразилиянинг Сан-Пауло шаҳрида Ўзбек кураши бўйича Пан Америка чемпионати бўлиб ўтди. Ҳар вақт тоифасида гилгама чиққан полвонлар ўзбекча саломлашиб, ўзбекча бел олишдилар. Кураш Халқаро ассоциацияси матбуот хизматининг хабар беришича, биринчилик мезбонлар устунлиги остида ўтган. Улар фақат 81 килограммга бўлган полвонлар баҳсида олтин медални аргентиналикларга топшириб қўйишди. Дунё рейтингидида учинчи ўринни эгаллаб турган бразилиялик курашчилар мутлак вазнда барча медалларни ўзлариники қилишган бўлса, 90 килограммлик вазнда биринчи ҳамда учинчи ўринни қўлга киритишди.

Чемпионат доирасида қитъа конфедерацияси конгресси чақирилди. Унда келгуси Пан Америка биринчилиги масаласи кўриди. Эндиги мусобақалар 2004 йили май ойида Доминикан Республикасининг Санто-Доминго шаҳрида ўтказилади.

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

фаоллик кўрсатади.

Маънавият ҳақида кўп гапиримиз. Фикримиз, газетани қанча кўп ўқийдиган кишининг маънавий савияси ошиб боради. Шу учун жамоада раҳбар сифатида ҳар йили биринчи галда обунани ташкил қиламан. Бу йил биргина «Халқ сўзи» газетасига 60 донна обуна бўлди. Демак, бир йил мобайнида ҳодимларимиз мамлакатимиздаги янгиликлар, ўзгаришлар билан яқиндан танишиб боришди. Ана шу давр мобайнида одамларимиз «Халқ сўзи» билан ошно бўладилар. Аҳир, газета ўқиб, мутолаа қилиш нон ейишдек лаззатли, маънавий озик зарурий эhtiёж!

А. РАСУЛОВ ёзиб олди.

Садақаларингизни агар ошқора берсангиз, жуда яхши. Бордию камбағалларга пинҳона берсангиз — ўзингиз учун янада яхшироқдир ва Аллоҳ гуноҳларингиздан ўтар.

(«Бақара» сураси, 271-оят).

САРИ



Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини бунёд этиш йўлида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қанчалар кўнунлар ана шундай хайрли ишга асос ва замин яратмоқда. Ҳўш, келажак ҳаётимизнинг кўзгусига айланб бораётган бу кўнунларни кенг омма ўртасида тарғиб этиш, тушунтириш ишлари қай аҳволда? Албатта, бу юмушлар, энг аввало, ҳуқуқшунослар зиммасига

улкан масъулият юклайди ва улардан сибсий зийратлик ва катта меҳнат талаб қилади. Жиноят ишлари бўйича Қўва тумани суди раиси, республикада хизмат кўрсатган ҳуқуқшунос Илҳомжон Восиев (суратда туман компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи педагоглари ва талабалари даврасида, бу масъулиятни дилдан ҳис этидиқлардан. У нафақат кўнунлар, балки кўнун лойиҳалари ҳамда қўноқни ҳужжатларининг ҳам

фаол тарғиботчиси. Мохир ташкилотчи ҳуқуқшуносининг, фаолияти айниқса Олий Мажлис сессияси олдидан янада қизғинлашади. Бундай пайтда уни гоҳ мактаб ва коллежларда, гоҳ идора ва ташкилотларда учратиб қоласиз. Зотан, ҳуқуқий демократик жамият яратиб бораётган иш учун югуриб елишдан ортиқроқ саводат борми?

Т. ҲАМРОҚУЛОВ
олган сурат.

ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

БМТнинг болалар муаммолари билан шуғулланувчи халқаро ЮНИСЕФ ташкилати яқинда 2003 йилги илҳимий мониторинг янқларини эълон қилди. Таҳлилларга қўра, Ўзбекистон инсон ҳаётини химоялашда, айниқса, оналик ва болаликни муҳофазалашда ўзига хос ютуқларга эришаётган давлатлардан бири деб топилди. Бу эътироф бежиз эмас. Оила ҳар қандай жамиятнинг узвий бўлаги ҳисобланади. Унда қарор топган ижобий муҳит кўп жиҳатдан миллат раванқини, демократи, Ватан тараққиётини белгилаб беради. Шу боис мамлакатимиз

раҳбарияти мудом оилаларни мустаҳкамлашга, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги мавқеини ошириб, саломатликларини асраб-авайлашга, ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Эзгу мақсад йўлида кўплаб кўнунлар, қарорлар ва дастурлар қабул қилинмоқда. Бу муҳим ишга Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Комиссия раиси Шарифа САЛИМОВА икки сессия оралиғидаги фаолияти ҳақида куйидагиларни сўзлаб берди:

— Комиссиямиз тузилганига эндигина уч йилдан ошди. Шунга қарамай, у кўнунлар яратиб, назорат-таҳлил ишларини олиб бориш ва турли тадбирлар ўтказишда бошқа кўмиталар қатори фаол қатнашмоқда. Чўноқни, бу сарф ҳам таркиб топган анъанави муовифи, Олий Мажлис Кенгаши томонидан белгиланган катъий режа асосида иш юритилди. Аввало, навабдаги анжуман кун тартибига киритилган кўнунлар лойиҳаларига ўз тақриф-мулоҳазалиримиз бердик. Айни чоғда, оилалар бутунлигини, халқ соғлигини таъминлашга хизмат қилувчи "Туани йодлаштириш тўғрисида"ги ҳамда ўғил-қизларимиз манфаатларини химоялашда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги миллий кўнунлар лойиҳаларини яратиш устидаги ишчимизни изчил давом эттирдик. Уйлаймики, улар мамориға етиб, ҳуқуқий мақом олган, фуқароларимиз турмушида катта аҳамият касб этади.

Масалан, йод танқислиги оқибатида келиб чиқаётган касалликни оилалик. Ҳозир бу ҳасталик бутун дунёга хавф солмоқда. Унга жаҳон аҳлининг учдан бир қисми, асосан болалар ва аёллар қалинган бўлиб, вақтида олди олинмаса, миллион генофондиға жиддий пўтур етказиши тайин. Афсуски, ўз шахсий манфаатидан боқасини уйламайдиган айрим кимсалар шўни била туриб, йодланмаган ёки чала йодланган ош тузунини истеъмолға чикармоқдалар. Лойиҳаси тайёрланган янги кўнун уларнинг фаолиятини таққиллашни кўзда тутди.

Назорат-таҳлил борасида "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Кўнуннинг Жиззах вилоятидаги ижросини ўргандик. Шу жараёнда ютуқлар билан бирға, камчиликлар ҳам кўйлиги аниқланди. Айтаёлик, вилоят аҳлининг дори-дармонға бўлган эътиборини қондирш мақсадида

да "Жиззах дори-дармон" давлат акциядорлик бирлашмаси таркибида қатор дорихоналар ишлаб турибди. Шўнингдек, 84 та хўсусий фирма ва дорихона, уларнинг 23 та филиали одамлар қўноқатида. Бирок бу шўхобчаларнинг ақсариятидаги шарт-шароит санитария мезорлари ва талабларига жавоб бермайдди. Айримлари лицензия мўддати аллақачон туғаган бўлса-да, ҳамон фаолиятларини давом эттирмоқдалар. Вилоят "Дехон бозори"да, Жиззах шаҳридаги "Кўк бозор"да, Мирзачўлда ва Пахтакор туманлари марказий бозорларида эса тайинли ҳужжатға эға бўлмаган ҳолда дори-дармон воситаларини ноқўноқий равишда бемалол сотаётган шахслар ҳам учради. Бундай лўқайлик давлат тиббиёт муассасаларида ҳам мавжуд экан. Вилоят прокуратураси ушбу Кўнун ижроси юзасидан республика Ақшерлик ва гинекология илҳимий-теқшириш институтининг вилоят бўлимида ўтказган теқшириш ақнўларига қараганда, бўлим дорихонасида ҳомилалар ва гинекологик касалликлар билан оғриган аёлларға берилиши лозим бўлган дори воситаларининг кўтга қисми ўзлаштириб юборилгани, бир неча ўз минг сўмлинган ишлатилиш мўддати ўтиб кетишиға йўл қўйилгани аниқланган.

Биз ўрганиш натижаларини ноябрь ойи бошида бўлган йилги илҳимийда атрофилича муҳоима қилдик. Камчиликларни ўз тутатиш ва аҳволни ўнглаш бўйича теғишли ташкилотларға тавсиялар бердик. Навабдаги мақлисимизда эса "Оила кодекси"нинг эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларига таалуқли моддаларига Андижон вилоятида қандай амал қилинаётганини кўриб чиқдик. Депутатлардан ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳнинг аниқлашчи, вилоятда бу борада муайян

уютқар қўлга киритилган. Бирок сўнгги йилларда оилавий турмушға дахлдор жоғорлар кўпайган. Вазирлар Мақамасининг 1999 йил 1 апрелдаги қарорига мувофиқ, вилоят қишлоқлари ва маҳаллаларида ташкил этилган яраштириш комиссиялари сусти ишламоқда. Боз устиға, айрим мактаб-интернатларда тарбияланаётган ота-онаси болаларини яшаш шароитлари кўнгилдагидек эмас. Бундан ташқари, "Оила кодекси"нинг 29-моддасига мувофиқ, вилоятда 37 та никоҳ шартномаси тузилган. Бу бир қарашда қоникарликке тўюса-да, республика миқёсидаги ўртача кўрсаткичдан анча кам. Ваҳоланки, эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишда "Оила кодекси"нинг юқорида тилға олинган моддасининг аҳамияти тебеқеёйдир. Биз ўзимиз ўрганган масалалар юзасидан теғишли қарор қабул қилиб, мутаасадилар эътиборига хавола этдик.

Жорий йилда "Усиб келаётган авлоднинг тарбиялашда маҳалла, оила ва мактабининг ўрни", "Уй таққиллиги муаммоси ва илҳи ҳал этиш йўллари", "Гибевандлик — ХХ1 аср вабоси", "Маҳалла ва спорт: оилавий спорт ютуқлари ва муаммолари" мавзуларида илҳимий-амалий конференциялар, минатақавий семинарлар ҳам ўтказдик. Комиссиямизға фуқаролардан тушган турли мурожаатларнинг айримларини ўз кўчимиз билан жойида ижобий ҳал этдик. Қолганларини масъул идора-ташқилотларға жўнайтиб, ечимға эришдик. Мухтасар қилиб айтадган, биз охириги икки сессия оралиғида ҳам халқ ичига кириб бориш, элўрт ишончини қозониш учун бор имкониятларимизни ишға солдик.

Жиззах вилоятда «Саназар-ялға» очик турлагин акциядорлик жамияти (код КТУТ 14872554) масъулияти чекланган жамият турли айлантирилди. Барча дельо ва эътирозлар эълон чиққан кўндан бошлаб 2 ой давомида қўйилди мавзуда қабул қилинади, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Р.Исеев кўчаси, Тел. 223-60-29.

Сиз сессиядан нима кутаясиз? Манфаатлар ҳимояси йўлида

Мамлакат ИШҚУВВАТОВА, Республика «Кизил ярим ой» жамиятининг Жиззах вилоят кенгаши раиси: — Олий Мажлис XIII сессиясида «Кизил ярим ой» ва Кизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни химоя қилиш тўғрисида»ги кўнун лойиҳаси муҳокамага қўйилиши айни мўддао бўлди. Эътибор қилинг, бозор иқтисодиёти шароитида Кизил ярим ой жамияти тасарруфида бўлмаган тиббиёт муассасалари ва дорихоналарда уларнинг тимсоллари қўйиб қўйилган. Женева конвенциясиға кўра

тимсоллардан фойдаланган муассаса бепул хизмат кўрсатиши керак. Мўжми, тимсолнинг химоя воситаси эканлиги белгилаб берилган. Қабул қилинаёган кўнун республикада халқаро инсонпарварлик ҳаракатининг мустаҳкамлашчи, янада кенг ёйилиши учун хизмат қилди. Умнат ОДИЛОВ, Жиззах вилояти «Маҳаллий санаот» худудий ишлаб чиқариш савдо акционерлик компанияси раиси ўринбосари: — Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Хўсу-

сий қорхона тўғрисида»ги кўнун лойиҳасиға кенг жамоатчилик таққил-эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Ута мўжми ҳужжатға масъулияти ёндашув биз маҳаллий санаотчилар учун айни мўддао бўлди. Эътироф этиш керак, Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси муҳокамасиға қўйилган лойиҳа пўхта муҳокамадан ўтди. Кўнуншуқимиз ў ривожланган мамлакатлар андозаларига мос келишини, халқаро талабларға тўла жавоб беришини таққиллашмоқда. Баъзан хўсусий қорхоналар фаолиятиға ноқўноқий аралашувлар, асосан теқширувлар ишлар, чикариш жарайиниға салбий таъсир этаяётгани, иқтисодиётнинг тараққийтиға халал бераяётгани ҳеч кимға сир эмас. Қабул қилинаёган кўнун эса бундай ҳолатларға чек қўйди. Мамлакатимизда мулкдорлар синфининг раванқига асос бўлади. «Халқ сўзи» мухбири Баҳриддин САТТОРОВ ёзиб олди.

Илм-фан ютуқлари — ҳаётга

Ким ҳам бойиб кетишни истамайди, дейсиз. Истайди. Лекин қандай қилиб? Асосий гап шунда. — Бу унваллик қийин эмас, — дейди физика-математика фанлари номзоди, доцент Абдуҳамид Абдувалиев. — Фақат мантиқий мулоҳаза, аниқ ҳисоб-китоб ва кўнун керак, холос. Масалан, бойиман деганлар учун ўйлаб кўришға арзиғулик бир гап: ҳеч ҳисоблаб кўрганмисиз, хонадонингиздан ҳар кўни ёки ҳар ойда қанча ахлат ёки чиқинди чиқшини? «Йўқ» дейсизми? Унда эшитинг.

Ҳазонлардан миллионлар

рафида ахлату чиқиндилардан қандай қилиб компост тайёрлашганини ҳам кўрсатди. Эринмай, обдон тушунтирди. Абдуҳамид домла шунақа куйинчак, жонқуяр одам. Шу боис «фуқаролик ташаббуси» нодавлат-нотижорат ташкилотини тузиб, кимларнингдир таъбири билан айтганда, «аллам-бало» ишлар қилиб юрибди. Масалан, ўтган йили Қашқадарё вилоятидаги неча ўнлаб фермерларни агротехника сир-асорларидан хабардор қилиш учун жон куйдирди. Бу йил ҳам «Агробизнес марказини тузиш» лойиҳасини тайёрлаб, «Евроосиё» фондиға топширди. Шу тариқа, мазкур фонднинг 32 минг 190 доллар грантининг олишға муваффақ бўлди. АҚШнинг халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) маблағи ҳисобидан молиялаштирилган бу лойиҳанин мақсади ҳам ишловларға ижобий кўмак беришдан иборат. Лойиҳаға кўра 63 та фермерға ёрдам кўрсатилмоқда. Уларни

«Баланс ва ҳисобот», «Даромад кўрсаткичлари», «Маҳсулотни экспортға йўналтириш усуллари ва экспорт маркетинги», «Молиявий ҳисобот», «Лизинг», «Бизнес-режа», «Зарур бўлган бошланғич капитал (маблағ)» каби кўплаб мавзулардаги кўнунлар билан таъминляпти. Бу кўнунларнинг муҳимлиги шундаки, ана шу лойиҳа менторлари (маслаҳатчилари) айнан ўша фермерлар иши мисолида тайёрланди. Менторлар кимлар дейсизми? Биология фанлари номзоди Панжи Эшонқулов, қишлоқ ҳўжалик фанлари номзоди Азамат Панжеев, иқтисод фанлари номзоди Маҳмуд Бозоров, вилоят суди судьяси Инатилла Ҳайитов, вилоят қишлоқ ҳўжалик бошқармаси бўлим бошлиғи Шўхрат Абдиев, вилоят фермер ва деҳқон ҳўжалиқлари ассоциацияси раҳбари ўринбосари Файзулла Ҳафизов. Улар фермерларға зарур маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериш учун билим ва малакаға,

катта тажрибаға эға бўлган мутахассислардир. Фермерлар билан ёнма-ён ишлаш жараёнида Абдуҳамид домлада яна бир фикр туғилди. У ҳам чиқиндилардан фойдаланиш хўсусида эди. У фикрини қоғозға тушириб, ҳисоб-китобни амалға ошириш лойиҳасини ишлаб чиқиб, Очик жамият институти Кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонасиға мурожаат қилди. Лойиҳа жамғармадаги мутахассисларға маъқул тушди. Ахлатлар, шаҳар ва қишлоқлардаги рўзгор чиқиндилардан компост ва вермоккомпост (Калифорния чўвалчанглири ёрдамида биогумус олиш) тайёрлаш лойиҳасини амалға ошириш учун жамғарма томонидан 12 минг 75 АҚШ доллари миқдориде маблағ ажратилди. Мана, сизға Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти доценти Абдуҳамид домланнинг тиниб-тинчимаслиги натижаси. Москвада муҳандислар

ядро физикаси институтини тугаллаб, шу жойда ядро физикаси бўйича номзодлик диссертациясини ёқланган бу олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институтида «Кўёш» объектини лойиҳалашда қатнашган. Яшигина обрў-эътибор қозонган, катта мавқеға эға бўлган. Бирок қари опасини кексайганда ёлғиз қолдирмаслик учун Қаршиға қайтганди. Шўниси диққатға сазоворки, у бекор ўтирмайди. Доим қандайдир фойдали иш қилиш пайида бўлади. — Илм-фансиз — тараққиёт йўқ, — дейди у. — Бинобарин, Ўзбекистон тараққиёт этган мамлакатларға тенглашмоғи учун биз илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришға жорий этишимиз керак. Бунинг учун олимлар жонбозлик кўрсатмоғи шарт. У шундай фикрда. Ва бунга қатъий амал қилиб келаётир. Ҳар қалада ҳар хаёл, дейишди. Абдуҳамид Абдувалиевнинг хаёлида биргина фикр бор. У ҳам бўлса Ўзбекистонни энг ривожланган мамлакатлар қаторида қўриш. Шўнинг учун у тиниб-тинчимайди. «Бу менин ишим эмас», деб қароб ўтирмайди. «Биз улкан имкониятлар мамлакатиде яшаймиз. Бунинг қадриға етиш ва ундан омиликорлик билан фойдаланиш керак», дея гурун беради у. Қўруқ гап бўлиб қолмаслиги учун айтганларини амалиётда ҳам кўрсатишға интилади. Интилганға эса толе ёр бўлади.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Анжуман

Мутахассисларнинг таъқидлашчи, инсон аъзои баданида содир бўладиган ҳасталиклар, барча дарду гўбор руҳиятға, асаб торларининг мустаҳкамлиғиға боғлиқ экан. Шу боис асаби метин одам даярли барча ҳасталиклардан йироқ бўлиши мумкин,

ирасида кеча «Неврологиянинг долзарб муаммолари» мавзуида илҳимий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманға келган меҳмонлар ҳам, қатнашчилар ҳам, аввало, олимни кўтлашди. Республика соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров Н.Маждовни ўзбек невро-

НЕВРОЛОГИЯ ИМИНИНГ УСТОЗИ ТАВАЛЛУДИ СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА НИШОНЛАНДИ

дейишди. Қизиги шундаки, инсон руҳияти, асаби билан боғлиқ касалликлар шифокори — невропатолог бошқа йўналиш шифокоридан фарқ қилади. Ундан жасорат, фидойиллик, қалб ва фикр соғлиғи талаб этилади. Бемор дардини, ҳолатини дил-дилдан тушуниб, ўз танасидан ўтказиб, ҳис эта оладиган, нечоғли зийрак ва меҳрилу, лўфти хўш ва бағри кенг бўлиши лозим бундай шифокорларнинг. Очик айтиш керак, бу ҳар қандай невропатолог қўлидан келаярмайди. Академик Наби Маждов шу соҳада меҳнат қилиб, айни пайтда мактаб ярата олган олим.

логия мактабининг иждоқори, бағри кенг устоз деса, профессор Х.Халимова беморнинг ҳақиқий дардман-ди, шогирдларининг меҳрибон мураббирини дея таърифлади. Санкт-Петербург ва Қозғистондан келган ҳамкасблар эса бу алломанин чет элдан доғруғи, 1998 йилда Америка биография институти томонидан «Дунёдаги энг пешқадам 500 олим орасидан жой олган»ини алоҳида таққидлашди. Талабаллик йилларидан то ҳозирги кунгача ял-на мақсад — инсон миёна сирларини тушуниб етиш, ўрганиш, таққил этиш, у билан боғлиқ ҳасталикларни даволаш йўллариин излаган олимнинг баракали, машаққатли меҳнатининг роҳатли онлари эди бу.

Мамлакатимизда тиббиётнинг неврология соҳаси тараққиётига катта ҳисса қўшган, юртимизда эъзоз-этил, чет элларда танкили устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наби Маждов таваллудининг 75 йиллиги до-

Шундай ширин қаломлар билан иш бошлаган анжуман руҳи шўба ёйилганлариде давом этди. У. РАҲМАТОВА.

Сурхондарёнинг ўз қонунини борми?

Безан «Нега жойларда илохотлар юришиб кетмапти?» деган савол даб-дурустан чиқиб қолади. Меҳнинг назарида, айрим жаҳаларда ишларимиз жадаллашиб кетмаётганининг асосий сабабларидан бири — ҳўжалик субъектлари ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари оёғимизға кишан бўлаётганида.

бига 0,4 фоиздан пеняни тўлаш лозимлиги кўрсатилади. Агар суд қарори бажарилмаса, Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процесуал кодексининг 218-моддаси бўйича теғишли чоралар қўлланиши ҳам

фардан зиёд устанинг, қолаверса, шўна оиланинг ризиқини сўраб борганидир. Термизда ишлар битмағач, ҳақимизда сўраб Давлат мулки қўмитасиға мурожаат қилдик. Ҳеч қанча жавоб бўлмади.

Тахририятға мактуб



Узимиздан кийс: 2000-2001 йилларда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонлангани олдидан бир қанча юбилей ишоотларида ишладик. Ушунда имзоланган шартномаларға кўра, қилинган ишларға ҳақ тўлаш ҳар ойда, яқуний ҳисоб-китоб эса қўрилиш туғаган, давлатомана топширилгандан кейин 10 кун ичида амалға оширилиши келиб олинган. Ҳаммаси бўлиб 215 миллион сўмлик иш бажардик. Лекин вилоят ва шаҳар капитал қўрилиш ташқилотлари, вилоят қасаба ушомалари кенгаши, Термиз тадбиркорлар маркази раҳбарлари, орадан анча вақт ўтса ҳам қарзни тўлаш ҳақида ўйламадилар.

Аваллиға илтимос қилиб юрдик. Бейфойда. Бизни эшитадиган бордир деб судға мурожаат қилдик. Туртта ташқилот устидан 4 марта суд бўлди. 2002 йил август ойида Сурхондарё вилояти ҳўжалик суди қарорига биноан, бурортмани ташқилотлар теғишли қарзни, шўнингдек, мўддати ўтказиб юборилгани учун ҳар кўн ҳисоб-

Карзни ундирилмаганимиз аҳволини баттар оғирлаштирдик. Бахиринган ишлар ҳажминини солиқ идорасиға берилган ҳисоботда қўрсатган эдим (шундай қилинмаса, даромад айлантирилган ҳисобланади), солиқ тўлашдан бўйин товланган сифатида жиний иш қўзаб, 60 млн. 615 минг 183 сўм тўлаш лозимлигини айтишди. Лекин Сурхондарёдаги ташқилотлар иш ҳажимини тўлашмаса, бунга имкон йўқ.

Мен илҳ бор 1997 йилда республика «Ташаббус» таллоvida «Энг яхши хўнарман» йўналиши бўйича голибликка эришганимиз, Президентимиз сўзига — «Тик» автомашинасиға мўяссар бўлганимиз, биринчи ўрин учун 7 миллион сўмлик имтиёзли кредитни олганимиз, хўнарманлар, усталар сафини кенгайтириш ҳақида ўйланган. Шу мақсадда «Ижод» хўсусий қорхонасини очганим. Бутун қандай аҳволға тушганимни тасаввур қилиб турибсиз. Энди айтинг: тадбиркорни шу қўйға солсанг, шогирдларин ортимдан эрга-шармикан?!

Эргаш САФАРОВ,
Қирғиз туманидаги «Ижод» хўсусий қорхонаси раҳбари.

ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИКОТЛАР ВА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ANGLESEY FOOD КОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШ ОЛИМЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИКОТЛАРИ БЎЙИЧА ТАЛЛОВ ЁЪЛОВ ҚИЛАДИ.

Танловнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси ёш олимларининг амалга оширилаётган иқтисодий илохотларини таҳлил қилиш ва унинг долзарб муаммоларини ҳал қилишға бағишланган тадқиқотларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Танловда ёш 35 дан ошмаган Ўзбекистон фуқаролари бўлган олимлар ва тадқиқотчилар индивидуал ёки гуруҳ (икки кишидан ошмаган ҳолда) тарзида иштирок этишлари мумкин.

- Танловнинг асосий йўналишлари:
- a) глобализация ва иқтисодий ривожланиш;
 - b) макрориктсодий;
 - c) молия ва банк тизимларини ривожлантириш масалалари;
 - d) давлат сектори иқтисодиёти;
 - e) қорхоналар секторини илохот қилиш;
 - f) меҳнат бозори ва илҳимий сессия.

Ушбу йўналишлар ташқилотчиларнинг тавсиялари бўлиб, иштирокчилар бошқа долзарб йўналишлар бўйича ҳам тадқиқот ишларини топширишлари мумкин. Математик методлардан фойдаланилган тадқиқотлар қўллаб-қувватланади.

Юқори даражада бажарилган илҳий ишлар муаллифлари 2004 йил апрель ойида ўтказилаётган илҳимий семинарға таққил қилинадилар. Танлов голиблари 100000 сўмдан 300000 сўмгача пуллик грантлар билан таққилрланадилар. Грантлар сони чегараланган (10та гача).

Иштирокчилар қоғозда ва 1 дискетда (Word, Arial 11 шрифтида 1.5 интервал, ўзбек ёки рус тилида) уч нўсхасида қуйидагиларни 2004 йил 1 февралгача топширишлари талаб қилинади: тўғалланган илҳий иш, муаллифининг таржумани ҳоли, нашрдан чиққан илҳий ишлари рўйхати, манзили ва телефонлари. Манзилининг: 700095, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, 3.Сандов кўчаси, 76-ўй, 405-хона. Электрон нўсхалар cere2003@hotmail.com, cerengoo@yahoo.com электрон почталарига жўнатилиши мумкин. Топширилган материаллар қайтарилмайдди. Танловнинг тўлиқ шартлари билан марказининг www.cere.uz.net сайтида танишиш мумкин.


O'ZSANOATQURILISHBANK Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

Гўзал француз тилини ёқтирасизми? Бу тилда бемалол, чиройли гаплашишни истайсизми? Унда бизнинг Виктор Гюго номли Франция маданият марказида ташқил этилган курсларға мархабо!

Эълон Фарғона вилояти Ўзбекистон туманида жойланган «Шўреву» маҳаллий тошасини қайта ишлаш заводи» номли 26.08.1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкисин бошқарини тадбиркоранин қўллаб-қувватлаш қўмитаси томонидан берилган 95-сонли мулкий ҳуқуқни таққидлашчи муваққат Давлат ордери фуқоаларига мўносаси билан бекор қилинади.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Ибрагим мактаби



Бундан тахминан бир ярим ой олдин Вазирилар Маҳкамасининг давлатимиз раҳбари Ислам Каримов имзолаган ва Фанлар академиямизга бағишланган қарори матбуотда эълон қилинган эди.

Хукуматимизнинг ушбу эътиборли ҳужжатида Академиямизнинг ҳаётдаги мавқеи юксак баҳоланади. Жумладан, унда ўз илмий мактабларини яратган олимларнинг асосий қисми таъкидлаб ўтилади.

Дарҳақиқат, шундай. Илмий мактабини вужудга келтирган устоз олимларни илм-фаннинг кўпгина йўналишларида учратишимиз мумкин. Шахсан ўзим адабиёт соҳасининг вакили бўлганим учун адабиётшунослик ва адабий-бадиий танқидчилик йўналишидаги муҳтарам устоз олимлар тўғрисида гапиришим осонроқ кечади.

Масалан, атоқли адабиётшунос академик М. Қўшоновни илмий-адабий тафаккур жаҳаларида ҳақиқатдан мактаб яратган олим ва адабий танқидчи десам, шакшубхасиз, кенг адабий жамоатчиликнинг фикрини ифодалаган бўламан.

«Мактаб» тушунчасини мен бу ўринда фақат микродий маънода қўлламайман. Яъни хурматли доғларимиз илм соҳасида нечта фан доктори ва нечта фан номзоди етказиб

берганлигини назарда тутатганим йўқ. Холбуки «илмий мактаб» дейилганда, гоҳида мана шундай статистикани алоҳида мезон қилиб олиш ҳолатларига ҳам дуч келиб тураман. Аслини айтганда, домла М. Қўшонов ҳам юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш борасида фахрланса арзғулик натижаларга эришган. У кишининг илмий раҳбарлигида адабиётшуносликда 5 нафар фан доктори ва 14 нафар фан номзоди етишиб чиққанлигини эслашимиз кифоя.

Лекин гап фақат шунда эмас. М. Қўшонов илмий мактаби ҳақида гап кетганида, энг аввало, шунга таъкидлашимиз керакки, бу устоз олим адабиётшуносликда илгор илмий тамойилларни жорий этди. Масалан, бадиий таҳлилни ўз тадқиқотларида белгилловчи илмий-эстетик кадрнинг даражасига кўтарди.

Бежизга адабиёт ахли М. Қўшоновни «Маҳоратшунос олим» деб гапиришмайди. М. Қўшонов илмий мактабининг ўзига хослиги ва салмоғи ана шунда.

Утган йилларда А. Қодирӣ, Ойбек, А. Қаҳҳор каби улғу адибларимиз тўғрисида жуда кўплаб тадқиқотлар яратилган. Бундан кейин ҳам яратилади. Лекин худди шу

устоз адиблар ижодининг бадиий олами чуккур, батафсил, қизиқарли ва ниҳоятда ўқишли оча олган М. Қўшоновнинг илмий-таҳлилий китоблари бундан кейин ҳам ўз қадрини сақлаб қолади, улар ахамиятини йўқотмайди, деб ишонаман.

М. Қўшонов адабий танқид майдонига ҳам хамиша катта обрўга эга бўлиб келди. Домлаимиз адабий танқидчи сифатида ибратли шахсий сифатлари билан ажралиб

кет босилаётган бир пайтда ана шундай аралашулар оқибатида тўхтаб қўйилди. Лекин бу майдонда адабиётнинг ҳалол, забардаст намоёндалари ҳам бор эди. Уша кунларда ана шундай ажойиб инсонлардан бири М. Қўшонов жонимга оро кирганлигини эсламасдан ўтолмайман. Бу устоз адабиётшунос ва яна бир қатор адабиётчилар «Жаннатга йўл» достонини кўлға олаётганда ўқиб чиққанлари сабабли, уни журналда тўла босилиб чиқиши учун қанчалар курашганлиги ҳали-ҳамон меннинг ёдимда. Мен муҳтарам домлаимиздан кейинги ижодий йўлим мобайнида ҳам кўпдан-кўп руҳий ва ижодий мадад кўрган одамман ва ундан чексиз миннатдорман. Уйлайманки, М. Қўшоновга ана шундай миннатдорчилик сўзларини меннинг тенгқурларим, масалан, Ш. Холмирозев ва бошқа бир қатор ёзувчилар, шорлар ҳам сидқидилдан ихзор этишга тайёрдилар.

Умуман айтганда, М. Қўшоновнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳар бир ижодкор учун ибрат мактаби бўла олади.

Матқуб ака ёшлигидан далада тер тўкиб ишлади. Ширин нонни дастурхонга қўйгунга қадар бўлган захматли меҳнат таъминчи ўсимир вужудда туйди. Бели оғриймай нон еяётганлар бундай меҳнат бахтини ҳеч қачон ҳис эта олмайдилар.

Билимини болаликдан қадрлаган бўлажак олим саводсизликни тугатиш курсларида ўқитувчилик қилди. Тошкент, Самарқанд, Тошоваздаги ўқитувчилар институтлари

Эҳтиром

туради. У киши ниҳоятда ростгўй, одил сўзли, гўзаллик тўғрисида теран шакланган, ҳақиқий адабиётни сохта адабиётдан бехато ажрата оладиган ўткир дидли адабий танқид намояндасидир.

Адабиётда мен мансуб бўлган авлод 60-йилларда ўз сўзини айта бошлади. Бизнинг изланишларимиз осон кечмади. Изланиш машаққатларининг бир чеккаси ҳали ёш эканлигимиз, тажрибасизлигимиз билан боғлиқ бўлса, янада оғир томони — собиқ шўро даврининг мафкуравий-сиёсий таъйинлари билан изоҳланади. Мана шундай шартларда адабиётдаги ёшларнинг ривож-равнақ топиши адабий танқид ҳам боғлиқ эди. Аммо, аскар ҳолларда мавжуд мафкура ва уни ўзига қурол қилиб олган адабий танқид тез-тез бошимизга маломат ёғдириб турарди. Масалан, менинг «Жаннатга йўл» номи, ҳажвий руҳли асарим «Мушум» журнали соғлариде кетма-

да тахсил олди.

М. Қўшонов 1942 йилда иккинчи жаҳон урушига сафарбар этилди. Фашизмнинг инсониятга қилган тажовузига қарши олиб борилган мардонавор жангларда иштирок этди. Урушдан кейинги йилларда ўзини тўла-тўқис илм олишга ва адабий фалятга бағишлади. Бу майдонда фаннинг забардаст арбобларидан бирига айланди.

Матқуб Қўшонов нафақат ўқитувчи, мураббий ва олим, балки моҳир адиб ҳамдир. У илмий фаолият билан биргаликда бадиий соҳасида ҳам самарали ижод қилди ва ижод қилаётди. Айниқса «Дағиш», «Алам» деб номланган хотира китоблари, қатор эсселари Матқуб Қўшонов ижодининг ёрқин намуналари ҳисобланади.

Муҳтарам олимимиз «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган «Олмос жилолари» номли мақоласида ҳақиқий бадиий асарни олмосга ўхшатади. Чин асар олмос сингари серқирра бўлади. У хамиша нур сочиб, жилоланиб тураверади, дейди домла. Таъбир жоиз бўлса, Матқуб ақанинг илмий-адабий асарларини ҳам ана шу олмосга ўхшатиш мумкин. Бу асарлар ҳам ўзбек адабиётини жилдоланиб тураверади.

Домлаимиз халқимиз ва адабиётимиз олдидаги беиннат хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аълолигига сайланди. «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан мукофотланди.

Матқуб Қўшоновнинг айнаи 85 ёшида қирчиллама йигитдек бардам ва бақувват, самарали ижод қилаётган. Биз устозни қутлуг ёшлари билан чин орадан самимий муборакбод этамиз. Тани жонларига соғлиқ-омонлик, янада узоқ ва саодатли умр тилаб қоламиз.



САМАРҚАНД ЁШЛАР МАРКАЗИ

келажак авлодга хизмат қилади



да ўрни ўзгача. Қўжқа буй чўзган миносралари, асрлар билан юзлашган осори-атикалари ҳайратлар дунёсига етаклайди, кишини.

Мустақиллик йилларида шаҳар янада файзлироқ, янада гўзалроқ маконга айланди. Айниқса, ободонлаштириш, қурилиш ишларида бажарилган юмушлар баҳоси ўлчовсиз. Масалан, кечагина фойдаланишга топширилган «Президент отелъ» меҳмонхонаси ёнига бугун каттагина иншоот — Ёшлар маркази қўшилди.

Бу марказнинг Самарқанднинг энг сўлими, фараҳбахш гўшаси — Маданият ва истироҳат боғининг қўқ ўртасида қад ростлашнинг ўзиёқ қадимий шаҳарда ёшларга эътиборнинг қанчалик кучли эканлигини далолат беради. Тўғри, бу иморат йўқ жойдан, янгидан барпо этилган эмас. Аммо, қаровсиз қолган бир бинонинг бутунлай қайта таъмирлангани, миллионлар эмас, миллиардлар харажат қилингани бор гап.

— Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун ҳамма шароитлар яратилаётган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими раҳбари Баҳодир Шаропов — Копьютёр-ўқув маркази, Баҳс-мунозаралар клуби, Иқтидорли ёшлар ва ёш оилалар мар-

кази, Кувноқлар ва зукколар клуби ёшлар хизматида. Бир эмас, кичита зал мавжуд. Катта залимиз салкам 1000 ўринли. Кичик залда эса давра суҳбатлари, матбуот анжуманлари, хорижлик ёшлар билан мулоқотлар, амалий суҳбатлар ўтказилади.

Ёшлар марказидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими билан бир қаторда «Маданият ва маърифат» марказининг вилоят бўлими ҳамда вилоятдаги барча миллий маданият марказлар жой оладиган бўлди.

Иншоотнинг асосан ҳашар йўли билан барпо этилгани кувончли ҳол. «Каттакўрган ёғ-мой» ҳиссодорлик жамияти қурилишининг бош хомийсига айланди. Ободонлаштириш ишларини шаҳар ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар иж-

Эсиргап БОЛИЕВ,
Абдураул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбирлари.

СУРАТЛАРДА: Ёшлар марказининг очилишидан лавҳалар.

Т. НОҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

UZDUNROBITA first cellular

GSM тармоғининг республика минтақаларида катта кенгайиши!

○ 2003 йил охиригача ишга туширишга тайёрланган станциялар
● Ишлатилган станциялар

NEW! Республиканинг Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида GSM тармоғининг кенгайиши.

NEW! GSM тармоғи Косон, Муборак ва Фузор шаҳарларида ишламоқда.

NEW! «Т-Mobile» (Голландия) ва ЗАО «SMARTS» (Россия) компаниялари тармоқларида халқаро роуминг.

ТОШКЕНТДАГИ СЕРВИС МАРКАЗИ МАНЗИЛИ: ЎСМОН ЮСУПОВ КЇНАСИ, 16-й (МАВЗАК) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 «ЎЗДУНРОВИТА» ҚҚ ТЕЛЕФОНЛАРИДАН - 611 WWW.UZDUNROBITA.UZ

КОМПАНИЯНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ БЎЛИМААРИ:
АНДИЖОН: (21290909); БУХОРО: (22170909); ЖИЗЗАХ: (22179909); НИКСИ: (22110909); ҚАРШИ: (22190909); САМАРҚАНД: (21380909); НАВОЙ: (22180909); НАМАҒАН: (2120909); ТЕРМИЗ: (22129909); ҒИЛИСТОН: (2240909); ФАРҒОНА: (21210909); ЎРҒАНЧИ: (22116309); ОЛМАЛИК: (6160909); ВЕКОВОДИ: (9123456); ДЕНОВ: (41119909); ЧИРЧИК: (71169909); ЯНГИЙЎЛ: (6040909); ШАХРИСАБЗ: (22121909); ҚЎҚОН: (55170909);

ХИЗМАТЛАР АЙЕНЦИВЛАШТИРИЛГАН

Яхши деб саналган ҳар бир иш садақадир.
(Ҳадиси шариф)

VACANCY ANNOUNCEMENT 99/2003

Post Title: Administrative / Financial Assistant
Post Level: SC-5
Programme Title: UZB/01/004 Development Support Services Programme
Duty station: Tashkent, Uzbekistan
Duration: 3 months (initially), with possible extension till the end of 2004.

POST PROFILE
Under the direct supervision of the Assistant Programme Manager, Admin/Finance Assistant will undertake a variety of administrative and financial tasks and fulfil the following tasks and responsibilities:

KEY TASKS AND RESPONSIBILITIES

- Prepare all financial and administrative documents related to the programme implementation in accordance with the UNDP rules and procedures for nationally executed programmes (RDPs and RPAs together with relevant supporting documentation) and ensure their timely submission to UNDP CO for further processing;
- Maintain programme's expenditure & commitments shadow budget through regular reconciliation with UNDP CO's financial records and advise the Programme Manager and Assistant Programme Manager on programme budget and funds availability;
- Prepare Certification for payment and ensure timely submission.
- Perform monitoring of monthly FIM disbursements reports and quarterly and annual CDRs, reporting to UNDP CO on discrepancies if detected, and prepare proposals for charges reversals if required;
- Assist the Assistant Programme Manager in preparation of proposals for budget revisions and progress reports on quarterly programme workplans;
- Perform Cash Custodian's duties being primarily responsible for programme's cash disbursements and maintains programme's petty cash book and payrolls;
- Arrange shipment and receipt of the programme supplies;
- Maintain and update the inventory of the programme non-expendable equipment;
- Assist the Programme Manager in organizing seminars and workshops;
- Compile the required documents for RAP review and short term recruitment's and ensure timely submission.
- Ensure leave monitoring of DSSP staff, check the accuracy and proper completion of Monthly Leave Reports
- Follow up on vacancy announcements for different positions and register them with Personnel Unit;
- Briefs international experts/consultants on general administrative matters relating to visas, provides advice and ensures administrative support as required;
- Draft correspondence and reports in accordance with the standard procedures;
- Perform other duties related to administrative and financial issues of programme as may be required.

REQUIRED SKILLS AND COMPETENCIES:

- Degree in (Business Administration, International Economics, Finance and Business);
- Minimum 3 years practical experience in administration and/or finance (experience with UNDP projects is an asset)
- Strong communication skills, client-orientation, ability to work in a team.
- Initiative, analytical judgement, ability to work under pressure, ethics and honesty.
- Ability to use information and communication technology as a tool and resource.
- Fluency in English, Uzbek and Russian

Applicants should fill in the UN Personal History Form, which is available at the reception of the UNDP Office or at <<http://www.dssp.uz>>. Applications in sealed envelopes should be received by the Reception of UNDP Office in Uzbekistan, 4 Taras Shevchenko str., 700029, Tashkent, latest by 21 December 2003. Applicants are requested to quote the number of vacancy announcement (see above) on the envelope. Applications from qualified women are encouraged. Only successful candidates will be contacted.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси, Ўзбекистон радиоси «Ёшлар» каналининг муҳаррири Раъно Бўроновага турмуш ўртоғи

Раҳимбой ҚУРБОНАЛИЕВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуккур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Амалий физика илмий текшириш институти жамоаси институти директори, академик Толиб Мўминова онаси

ОЙТўРА АЙНИНГ
вафоти муносабати билан чуккур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саядов (бош муҳаррир ўринбосари вазифасини бажарувчи — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қлиббертегов, А. Хайдаров, Ҳ. Хошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтти тартиби № 00001
Буюртма Г — 00172, 21378 нуسخада босилган,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган.
Кўлди бичими А—2
Газета IBM компьютерда терилган ва оператор
Жамият ТОВАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Тақриригиде ҳажми 5 қоголдан ибид
материаллар қабул қилинмади.
[— Тижорат материал]

«Шарқ» нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30 1 3 4 5 6

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ю. Ҳанноқ.
Набатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Набатчи — С. Донӣёров.
Мусаххдох — М. Манраббёев.